

6-1-2021

## ANALYSIS OF DIVIDEND PAYOUT IN EXCHANGES

S. Elmirzaev Prof.

*Tashkent Institute of Finance*

E. Nosirov PhD

*Tashkent Institute of Finance*

R. Kunarov

*Tashkent Institute of Finance*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Elmirzaev, S. Prof.; Nosirov, E. PhD; and Kunarov, R. (2021) "ANALYSIS OF DIVIDEND PAYOUT IN EXCHANGES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021 : Iss. 3 , Article 22.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss3/22>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**И.ф.д., проф. С.Элмирзаев, и.ф.н. Э.Носиров, Р.Кунаров**  
*Тошкент молия институти*

## **БИРЖАЛАРДА ДИВИДЕНД ТЎЛОВЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада “Тошкент” республика фонд биржаси, Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасининг дивиденд тўловлари таҳлил қилинган. Биржалар фаолияти ва улар тўлаётган дивидендлари асосида миллий иқтисодиётдаги ҳолат баҳоланган. Хусусан, фонд бозори орқали капитал жалб қилиш даражасининг пастлиги “Тошкент” республика фонд биржаси дивидендларининг кескин пастлигида ўз аксини топган. Ёки аксинча ҳолат, хорижий валютага юқори талаб боис, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасининг жуда юқори дивидендларига сабаб бўлган. Амалга оширилган таҳлиллар асосида биржаларда дивиденд сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** биржа, акция, фонд бозори, товар, валюта, дивиденд

**Prof. S.Elmirzaev, PhD E.Nosirov, R.Kunarov**  
*Tashkent Institute of Finance*

## **ANALYSIS OF DIVIDEND PAYOUT IN EXCHANGES**

**Abstract.** This article analyzes the dividend payout of the Republican Stock Exchange "Tashkent", the Republican Commodity Exchange of Uzbekistan, the Currency Exchange of the Republic of Uzbekistan. The situation in the national economy is assessed on the basis of the activities of stock exchanges and the dividends which they pay. In particular, the low level of capital attraction through the stock market is reflected in the sharp decline in dividends of the Republican Stock Exchange "Tashkent". Conversely, high demand for foreign currency has led to very high dividends on the Currency Exchange of the Republic of Uzbekistan. Based on the analysis, scientific proposals and practical recommendations aimed at improving the dividend policy of stock exchanges are presented.

**Keywords:** exchange, stock, stock market, commodity, currency, dividend

### **Кириш**

Маълумки, иқтисодий тараққиётни таъминлашда биржалар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бунда биржалар бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми сифатида қимматли қоғозлар муомаласини ташкил этиш, валюта олди-сотдини ташкиллаштирилган бозор орқали амалга ошириш, давлат ва корпоратив харидларни самарали ташкил этиш орқали бозор муносабатларини қарор топтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиздаги амалдаги қонунчиликка кўра биржалар фақатгина акциядорлик жамияти сифатида ташкил этилиши лозим. Шу боисдан

биржалар фаолиятининг самарадорлиги улар акциялари бўйича тўланадиган дивидендлар билан бевосита боғлиқ. Бошқа томонидан қимматли қоғозлар, хусусан акциялар савдосини ташкиллаштирувчи молиявий институт сифатида фонд биржасининг қанча дивиденд тўлаётганлиги кўпчилик учун қизик, албатта.

Шунингдек, биржалар фаолият натижалари ҳисобланган дивидендлар тўлаш ҳолати умумий ҳолда иқтисодиётга баҳо бериш имконини ҳам беради. Чунки фонд биржаси бутун иқтисодиётни молиялаштиришда воситачилик қилувчи институт бўлса, валюта биржаси ўз навбатида хорижий валютага талаб ва таклиф асосида инфляция даражасига бевосита ўз таъсирини белгилаб беришга хизмат қилади. Товар-хом ашё биржаси ўз навбатида ички талабни белгилаб берувчи ўзига хос ташкиллаштирилган бозор вазифасини ўтайди. Жаҳон иқтисодиётида бир индексларига қараб инвесторлар фаоллигида ўзгаришлар кузатилиши, иқтисодиёт ҳолатига баҳо берилиши ҳам бежиз эмас.

Халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илғор ёндашувларни қўллаш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш [1] мамлакатимизда алоҳида долзарблик касб этаётган айни вақтда дивидендлар билан боғлиқ масала халқаро даражада ҳам долзарблигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

### **Адабиётлар шарҳи**

Дивиденд сиёсати, биржалар фаолияти мунтазам равишда инвестор ва тадқиқотчиларнинг диққат-марказидаги масалалардан биридир. Айнан шу боисдан бу борада кўплаб тадқиқот ишларига гувоҳ бўлиш мумкин.

Листингдан ўтган ўтган компаниялар доирасида дивидендлар сиёсатини тадқиқ қилиш, дивидендларни таҳлил қилиш олимларнинг доимий эътиборидаги масалалардан биридир. Жумладан, индонезиялик олимлар S.Andaswari, D.Setyadi, A.Paminto, F.Defungлар тадқиқот ишида Индонезия фонд биржасида листингдан ўтган компаниялар қийматига инвестиция имкониятлари, капитал таркиби ва қарз сиёсати, дивиденд тўловлари кабиларнинг таъсири тадқиқ қилинган [2].

Россиялик иқтисодчи олим А.Козлова Россия Федерациясидаги листингдан ўтган очик компаниялар молиявий сиёсати таркибий қисми сифатида дивиденд сиёсатини ҳамда дивиденд амалиётига доир тадқиқотлар ўтказган. Унда дивиденд сиёсатига таъсир этувчи омиллар, дивиденд сиёсатини инвесторлар томонидан баҳолаш амалиёти, эмитентлар эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган [3].

Дивиденд тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда солиқлар, акциядорлар типлари ва бозор самарадорлигининг дивиденд сиёсатига таъсири борасида Victor Barros, Pedro Verga Matos, Joaquim Miranda Sarmenolar тадқиқот ўтказиб, унда компанияларнинг фаолият кўламидаги фарқлар асосида дивиденд сиёсати динамикасини кўрсатиб берган [4].

С.Омонов томонидан ривожланган давлатлардаги компанияларда дивиденд сиёсати таҳлили ва дивиденд аристократлари борасида тадқиқотлар ўтказиб, юқори ва мунтазам дивиденд тўловчи компанияларни соҳа ва тармоқлар кесимида тадқиқ қилишга асосий эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин [5].

Н.Шерқўзиева акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини оптималлаштириш орқали дивиденд сиёсатини такомиллаштириш юзасидан дивидендлар барқарорлиги индексини жорий этиш орқали мунтазам дивиденд тўловларини амалга оширишга эришиш, уставда соф фойданинг камида эллик фоизини дивидендларга йўналтириш, дивидендлар асосида акцияларни категорияларга ажратиш кабиларга ўз тадқиқот ишида эътибор қаратиб, савдо ташкилотчиси сифатида фонд биржаси вебсайтида дивиденд календарларини жорий этиш алоҳида тўхталган [6].

Шу ўринда давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2021 йилнинг 1 июлига қадар 2020 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2021 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмасдан тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши мамлакатимизда қонунчилик билан белгиланганлигини ҳам қайд этиб ўтишимиз лозим [7].

Лекин айнан биржалар дивиденд сиёсати, дивиденд тўловлари таҳлили алоҳида тартибда кўп ҳам ўрганилавермайди.

### Таҳлил ва натижалар

Халқаро тажрибадан ҳам маълумки, ҳар бир биржа асосан ташкилий-ҳуқуқий шакли акциядорлик жамияти эканлигидан келиб чиққан ҳолда дивиденд сиёсатини тасдиқлайди ва унга асосан акциядорлар билан дивиденд муносабатларига киришади. Шунингдек дивиденд тўловлари динамикаси ҳақида маълумотлар бериб боради. Буни Москва биржаси мисолида корпоратив сайт маълумотларидан ҳам кўриш мумкин (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Москва биржаси дивиденд тўловлари таҳлили [8]

| Тўлов йили | Ҳисобот даври | Битта акцияга дивиденд миқдори, рублда | Тўланган дивиденд умумий суммаси, млн. рублда | МХХС бўйича соф фойдадаги улуши, % |
|------------|---------------|----------------------------------------|-----------------------------------------------|------------------------------------|
| 2021       | 2020          | 9,45                                   | 21 511,99                                     | 85%                                |
| 2020       | 2019          | 7,93                                   | 18 051,86                                     | 89%                                |
| 2019       | 2018          | 7,70                                   | 17 528,29                                     | 89%                                |
| 2018       | 2017          | 5,47                                   | 12 451,92                                     | 89% <sup>1</sup>                   |
| 2017       | 1П 2017       | 2,49                                   | 5 668,24                                      | -                                  |
| 2017       | 2016          | 7,68                                   | 17 482,76                                     | 69%                                |
| 2016       | 2015          | 7,11                                   | 16 201,11                                     | 58%                                |
| 2015       | 2014          | 3,87                                   | 8818,32                                       | 55%                                |
| 2014       | 2013          | 2,38                                   | 5423,15                                       | 47%                                |

|      |      |      |         |     |
|------|------|------|---------|-----|
| 2013 | 2012 | 1,22 | 2901,76 | 35% |
| 2012 | 2011 | 0,31 | 681,20  | 10% |

2020 йил ҳисобот даври бўйича битта акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдори 9,45 рублни ташкил этган. Бунда битта акция бўйича дивиденд чиқишини аниқлашимиз учун чиқарилган акция ҳақида маълумотга эга бўлишимиз лозим ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал

**Москва биржаси акциялари ҳақида маълумот [8]**

|                                                                                |               |
|--------------------------------------------------------------------------------|---------------|
| <b>Акция категорияси</b>                                                       | Оддий         |
| <b>Акция номинал қиймати, рубль</b>                                            | 1             |
| <b>Акциялар чиқарилиши давлат регистрация рақами</b>                           | 1-05-08443-Н  |
| <b>Акциялар чиқарилиши давлат регистрация санаси</b>                           | 16.09.2011    |
| <b>Акциялар ISIN коди</b>                                                      | RU000A0JR4A1  |
| <b>Устав капитали миқдори, рубль</b>                                           | 2 276 401 458 |
| <b>Жойлаштирилган акциялар сони, дона</b>                                      | 2 276 401 458 |
| <b>Эълон қилинган акциялар сони, дона</b>                                      | 9 818 920 693 |
| <b>Жойлаштиришдаги акциялар сони, дона</b>                                     | 0             |
| <b>Эмитент томонидан бошқариладиган ташкилотга тегишли акциялар сони, дона</b> | 18 551 238    |

Москва фонд биржаси бўйича юқоридаги иккита жадваллардан аён бўлмоқдаки, 1 рубллик оддий акциялар бўйича дивидендлар охириги беш йил давомида ўсиш тенденциясига эга. Охириги тўрт йил давомида соф фойданинг 85-89 фоизи дивидендларга йўналтирилганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Энди бевосита республикамиздаги биржалар дивидендлари таҳлилига эътибор қаратамиз. Бунда аввало 2015-2019 йиллар якунлари бўйича Ўзбекистон республика товар хомашё биржаси, Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси ва “Тошкент” республика фонд биржасида ҳисобланган ва тўланган дивидендларга эътибор қаратамиз (3-жадвал)


3-жадвал

**2015-2019 йиллар якунлари бўйича биржаларда ҳисобланган ва тўланган дивидендлар таҳлили [9,10,11]**

| Йиллар |             | Тошкент РФБ | ЎзРВБ             | ЎзРТХБ         |
|--------|-------------|-------------|-------------------|----------------|
| 2015   | Ҳисобланган | 92 894 900  | 13 194 703 256    | 3 997 782 400  |
|        | Тўланган    | 84 186 900  | 13 194 703 256    | 3 997 782 400  |
| 2016   | Ҳисобланган | 357 834 100 | 15 706 348 672    | 4 997 228 000  |
|        | Тўланган    | 324 287 100 | 15 706 348 672    | 4 997 228 000  |
| 2017   | Ҳисобланган | 729 383 700 | 20 000 001 168    | 5 746 812 200  |
|        | Тўланган    | 656 445 300 | 20 000 001 168    | 5 746 812 200  |
| 2018   | Ҳисобланган | 706 013 100 | 45 104 074 293,69 | 13 742 377 000 |
|        | Тўланган    | 672 918 700 | 45 104 074 293,69 | 13 742 377 000 |
| 2019   | Ҳисобланган | 105 833 026 | 28 958 992 160    | 62 215 488 600 |
|        | Тўланган    | 105 833 026 | 28 958 992 160    | 62 215 488 600 |

Биргина 2019 йил якуни бўйича “Тошкент” республика фонд биржаси бор-йўғи 105,8 миллион сўмлик дивиденд тўловини амалга оширган бўлиб, 2018 йил якунларига нисбатан қарийб 6,4 баравар паст бўлган. Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида эса бу миқдор 2019 йил якунлари қарийб 29 миллиард сўмни ташкил этган бўлиб, 2018 йил якунларига нисбатан қарийб 16,15 миллиард сўм камайган. Ўз навбатида товар-хомашё биржасида эса 2019 йил якунлари асосида 62,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ дивиденд сифатида тўлаб берилган бўлиб, 2018 йил якунларига нисбатан қарийб 4 баравар ошган.

Биржалар акциялари даромадлилигини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси, Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси ва “Тошкент” республика фонд биржаси акциялари номинал қийматига эътибор қаратамиз (1-расм).



**1-расм. Биржалар акциялари номинал баҳоси [9,10,11]**

Мамлакатимизда фаолият юритаётган фонд биржаси, валюта биржаси ва товар-хомашё биржасидан фақатгина товар-хомашё биржаси акциялари очик бозорда листингда мавжуд. Бу жиҳат ўз-ўзидан акциялар номинал қиймати асосида даромадлилигини баҳолашни тақозо этади. 2015-2019 йиллар якунлари бўйича биржалар акциялар даромадлилиги куйидагича бўлганлигини кўришимиз мумкин (4-жадвал)

**4-жадвал**

**2015-2019 йиллар якунлари бўйича биржаларда акциялар номинал баҳосига нисбатан дивидендлар таҳлили [9,10,11]**

| Йиллар | Бирлик | Тошкент РФБ | ЎзРФБ    | ЎзРТХБ |
|--------|--------|-------------|----------|--------|
| 2015   | Сўмда  | 5,28        | 12336,11 | 160    |
|        | Фоизда | 0,2         | 1233,61  | 25,39  |
| 2016   | Сўмда  | 20,36       | 14684,32 | 200    |
|        | Фоизда | 0,8         | 1468,43  | 31,75  |
| 2017   | Сўмда  | 41,49       | 18698,58 | 230    |
|        | Фоизда | 1,62        | 1869,86  | 36,51  |
| 2018   | Сўмда  | 40,16       | 42169,1  | 550    |

| Йиллар | Бирлик | Тошкент РФБ | ЎзРВБ    | ЎзРТХБ |
|--------|--------|-------------|----------|--------|
|        | Фоизда | 1,57        | 4216,91  | 87,3   |
| 2019   | Сўмда  | 7,03        | 28958,99 | 2490   |
|        | Фоизда | 0,27        | 2895,9   | 395,23 |

Келтирилган жадвал маълумотларидан аён бўлмоқдаки, битта акция даромадлиги нуқтаи назаридан валюта биржаси акциялари даромадлиги кескин юқори. Бунда акциялар ёпиқ тартибда фақат номинал асосида жойлаштирилганлигини инобатга оладиган бўлсак, 1000 сўмлик акцияга 2017 йил якуни бўйича 18698,58 сўм, 2018 йил якуни бўйича 42169,1 сўм, 2019 йил<sup>1</sup> якуни бўйича эса 28958,99 сўм дивиденд тўланганлиги буни кўрсатиб турибди. Мазкур жиҳат миллий иқтисодиётнинг хорижий валютага ниҳоятда юқорилигини кўрсатиб турибди. Товар-хомашё биржасида эса умумий тўланган дивиденд суммаси кескин юқори бўлиши бир вақтда битта акция номиналига нисбатан даромадлилик қарийб 4 баравар юқори бўлган. Ўз навбатида бу ҳолат иқтисодиёт маълум маънода олибсотарликка қаратилганлини ҳам намоён қилаётгандек. Фонд биржасида дивиденднинг кескин пастлиги эса иқтисодиётни молиялаштиришда мазкур институт имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлигини ўзида акс эттирмоқда. Ваҳоланки, фонд биржалари ҳам эмитент сифатида акциядорлар билан муносабатларда дивиденд амалиётига алоҳида эътибор қаратиш билан бир вақтда савдо ташкилотчиси сифатида листингдан ўтган акциядорлик жамиятлари дивиденд тўловлари календарлари ва дивидендлари таҳлилларига ҳам жиддий ёндашишлари лозим ҳисобланади.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, биржалардан фақатгина Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси листингда мавжуд ва акциялари очик муомалада савдога қўйилган. Бошқа томондан мазкур биржа давлатнинг улуш нуқати назаридан кескин паст ва бу жиҳат манфаатлар тўқнашуви орқали соф корпоратив бошқарув амал қилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан очиклик ва фаолиятда шаффофликнинг таъминланаётганлиги, мунтазам дивиденд ва акциядорлар билан муносабатларнинг яхши қўйилганлигини кўйидаги биргина жадвал орқали ҳам кўришимиз мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

### Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси 2008-2020 йиллар яқунлари бўйича дивиденд тўловлари таҳлили [11]

| Дивиденд тўланган давр | Оддий бир акция учун дивиденд (сўм) | Дивидендларни тўлаш учун йўналтирилган соф фойда % | Дивидендларни тўлаш учун йўналтирилган соф фойда суммаси | Муомаладаги акциялар сони | Дивидендлар тақсимланган АУЙ санаси |
|------------------------|-------------------------------------|----------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|---------------------------|-------------------------------------|
| 2020 йил               | 1100,0                              | 86,95%                                             | 82 454 262 000,00                                        | 74 958 420                | 20.03.2021                          |
| 2019 йил               | 2490,0                              | 76,135%                                            | 62 215 488 600,00                                        | 24 986 140                | 22.05.2020                          |
| 2018 йил               | 550,0                               | 52,23%                                             | 13 742 377 000,00                                        | 24 986 140                | 24.05.2019                          |
| 2017 йил               | 230,0                               | 65,07%                                             | 5 746 812 200,00                                         | 24 986 140                | 25.05.2018                          |
| 2016 йил               | 200,0                               | 61,99%                                             | 4 997 228 000,00                                         | 24 986 140                | 26.05.2017                          |

| Дивиденд тўланган давр | Одий бир акция учун дивиденд (сўм) | Дивидендларни тўлаш учун йўналтирилган соф фойда % | Дивидендларни тўлаш учун йўналтирилган соф фойда суммаси | Муомаладаги акциялар сони | Дивидендлар тақсимланган АУЙ санаси |
|------------------------|------------------------------------|----------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|---------------------------|-------------------------------------|
| 2015 йил               | 160,00                             | 60,61 %                                            | 3 997 782 400,00                                         | 24 986 140                | 27.05.2016                          |
| 2014 йил               | 190,00                             | 51,68%                                             | 4 747 366 600,00                                         | 24 986 140                | 15.05.2015                          |
| 2013 йил               | 180,00                             | 52,01%                                             | 4 497 505 200,00                                         | 24 986 140                | 20.06.2014                          |
| 2012 йил               | 160,01                             | 51,20%                                             | 3 998 212 100,00                                         | 24 986 140                | 21.06.2013                          |
| 2011 йил               | 99,51                              | 52,00%                                             | 2 486 322 000,00                                         | 24 986 140                | 22.06.2012                          |
| 2010 йил               | 50,70                              | 51,00%                                             | 1 266 818 070,00                                         | 24 986 140                | 10.06.2011                          |
| 2009 йил               | 31,61                              | 70,00%                                             | 789 701 900,00                                           | 24 986 140                | 11.06.2010                          |
| 2008 йил               | 43,81                              | 90,00%                                             | 1 094 742 700,00                                         | 24 986 140                | 12.06.2009                          |

Айнан юқоридаги натижалар товар-хомашё биржасининг айни вақтда фонд биржасида Премиум классдаги ягона эмитент эканлигини таъминламоқда.

### Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги таҳлиллар асосида хулоса сифатида қуйидагиларни алоҳида қайд этиш мумкин:

Биринчидан, фонд биржаси, валюта биржаси ва товар-ашё биржаси дивиденд таҳлилининг ўзи ҳам миллий иқтисодиётнинг хорижий валютага боғлиқлиги юқори даражада эканлигини намоён қилмоқда.

Иккинчидан, иқтисодиётни молиялаштиришда фонд бозори иштироки ниҳоятда пастлигини “Тошкент” РФБ томонидан дивидендга йўналтирилаётган соф фойда ва битта акция номиналига нисбатан дивиденд даражасининг пастлиги кўрсатиб тарибди.

Учинчидан, товар-хомашё биржасида соф корпоратив бошқарувнинг жорий этилганлиги фойда тақсимланиши боғлиқ муносабатлар манфаатлар тўқнашуви асосида биринчи акциядорларга устуворлик берилиши асосида ташкил этишга имкон берган.

Тўртинчидан, фонд биржалари ҳам эмитент сифатида акциядорлар билан муносабатларда дивиденд амалиётига алоҳида эътибор қаратиш билан бир вақтда листингдан ўтган акциядорлик жамиятлари дивиденд тўловлари календарлари ва дивидендлари таҳлилларига ҳам жиддий ёндашишлари лозим ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли Фармони.
2. Andaswari S., Setyadi D., Paminto A., Defung F. The company size as a moderating variable for the effect of investment opportunity set, debt policy, profitability, dividend policy and ownership structure on the value of construction companies listed on the Indonesia stock exchange. [International Journal of Scientific and Technology Research](#) Volume 8, Issue 9, September 2019, Pages 2356-2362.



3. Козлова А. Формирование дивидендной политики как части финансовой политики российских публичных компаний. Автореферат на соискание кандидат экономических наук. Саратов – 2017. – 24 с.
4. Victor Barros, Pedro Verga Matos, Joaquim Miranda Sarmiento. What firm’s characteristics drive the dividend policy? A mixed-method study on the Euronext stock exchange. Journal of Business Research. Volume 115, July 2020, Pages 365-377.
5. Elmirezayev, S. and Omonov, S. (2020) "DIVIDEND POLICY ANALYSIS IN DEVELOPED COUNTRIES AND DIVIDEND ARISTOCRATS," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 22. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/22>
6. Шеркўзиева Н.А. Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини оптималлаштириш орқали инвестицион жозибадорликни ошириш. PhD диссертацияси автореферати. Тошкент, 2021. – 66 б.
7. 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2020 йил 25 декабрь.
8. <https://www.moex.com/s1345>
9. <https://uzex.uz/uz-Cyrl/pages/public-data-on-accrued-dividends>
10. <https://uzse.uz/abouts/calc>
11. <https://uzrvb.uz/ru/category/svedeniya-o-dividendah>